SHU AZIZ VATAN BARCHAMIZNIKI!

ISTIQBOL

№ 38-39
(6190-91)
2025-yil
26-sentyabr
Juma

Gazetaning QR-kodi
www.zangiota-istiqbol.uz

Zangiota tumani hokimligi ijtimoiy-siyosiy gazetasi ❙ 1934-yil 10-iyuldan chiqa boshlagan

ЗАНГИОТА ТУМАНИ ҲОКИМИ ЭРКИН РУСТАМОВНИНГ ТАЪЛИМ ХОДИМЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Таълим сифатини ошириш ҳамда устоз ва мураббийларнинг меҳнат ва яшаш шароитини яхшилаш ислоҳотларимизнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади. Зеро, Янги Ўзбекистонда энг муҳим соҳа – таълим, энг ҳурматли инсонлар – ўқитувчи ва мураббийлардир!

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Ассалому алайкум, муҳтарам устозлар ва мураббийлар!

Барчангизни Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий табриклайман.

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйган ҳозирги кунда замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, аввало, илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожи билан боғлиқ. Бунда сиз Устозларнинг хизматларингиз беқиёс. Чунки сизлар Янги Ўзбекистонни барпо этишдек энг улуғ ишга қодир бўла оладиган авлодни тарбияламоқдасиз.

Юртимизда кейинги йилларда илм-фан ва таълим-тарбия соҳаси давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Жумладан, фарзанд туғилганидан то улғайгунига қадар уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топишига хизмат қиладиган яхлит ва узлуксиз тизим яратилмоқда. Мамлакатимизда янги турдаги таълим масканлари, хусусан, Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар фаолияти йўлга қўйилди. Ўқитувчи ва мураббийларнинг моддий манфаатдорлиги ортди.

Давлатимиз раҳбарининг: ”Бугун Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш деган бағоят улуғ ва шарафли ишни бошлаган эканмиз, энг аввало, сиз – азиз устозлар ҳамда истеъдодли шогирдларингизга таянамиз. Ишончим комил, сизлар билан бирга чин дилдан ҳаракат қилсак, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт мўъжизасини албатта ярата оламиз. Олдимизга қўйган юксак марраларга сизлар билан, эл-юртимиз билан бирга албатта етамиз!”, – деган гаплари таълим-тарбияни юксак поғоналарга чиқаришда “мактаб-оила-маҳалла” ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, “бир фарзандга етти қўшни ота-она” деган пурҳикмат иборани ҳаётимизнинг мазмунига айлантиришимизни тақозо этмоқда.

Муҳтарам ўқитувчи-мураббийлар, азиз устозлар!

Буюк бобомиз Алишер Навоий айтганларидек, дунёнинг бор бойлик ва хазинаси билан ҳам олижаноб меҳнатингиз ҳақини адо этиб бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам, ўқувчиларини ўз фарзандидек ардоқлаб, ёш авлод тарбияси учун кўз нури, қалб қўри, бутун борлиғини бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар том маънода фидойи касб эгаларидир. Биз Сизларнинг меҳнатларингиз қаршисида бош эгамиз.



Яқинлашиб келаётган касб байрамингиз муборак бўлсин! Ёш авлод тарбиясидек масъулиятли ишларингизда улкан зафарлар тилаб қоламан. Ҳамиша соғ-омон бўлинг!

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни



Илмингиз нур машъали, ойдек кўрсатар жамол,
Бошлаган йўлингиздан толиблар топар камол,
Топган ризқу рўзингиз эрур луқмаи ҳалол,
Ўзбегимнинг дилбанди сизга таъзим қилади,
Йўлингизга гул тўшаб, поёндозлар ёзадур.

Сиз борки, нурли олам, фидо бўлгай бу жонлар,
Сиз борки, равшан дунё, шодон ўтгай ҳар онлар,
Сиз борки, ҳаёт лазиз, устозлар, чароғбонлар,
Ўзбегимнинг дилбанди сизга таъзим қиладур,
Йўлингизга гул тўшаб, поёндозлар ёзадур.

М. ВАЛИЕВА

Ушбу QR-код орқали шеърнинг аудиформатини тинглашингиз мумкин.

ISTIQBOL

2025-yil 26-sentyabr / Juma / № 38-39 (6190-91)

► *Инвестиция*

Туманимизда тадбиркорлик йилдан-йилга ривожланиб, республикамиз иқтисодиётига уларнинг қўшаётган улуши салмоқли бўлиб бормоқда. Туманда 2022-2025 йилларда экспорт ва инвестиция дастури доирасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, туманимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш мақсадида 2022-2024 йиллар учун ишлаб чиқилган Давлат ва ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида қиймати олти триллион 666 миллиард 225 миллион сўмлик 69 та лойиҳани амалга ошириши натижасида 6 836 та янги иш ўринлари яратилди.

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ ЮРТ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Жорий йилда умумий қиймати 812,9 миллиард сўмлик 13 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган бўлиб, амалда 223,4 миллиард сўмлик еттита лойиҳа ишга туширилди. Қўшимча умумий қиймати 32,4 миллиард сўмлик иккита лойиҳа муддатидан олдин ишга туширилиб, 324 та иш ўринлари яратилди. Натижада инвестиция дастурларида яратилиши лозим бўлган 480 та ишчи ўрнига, амалда 804 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Йил якуни билан қўшимча лойиҳалар ҳисобига жами 35 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 2435 та янги иш ўринлари яратилади.

Шу билан бирга туманда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, туманнинг “Боғзор” маҳалласи ҳудудида 130 гектар ер майдонида "Tashkent Pharma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери ташкил этилди.

Кластер ҳудудида жами 21 та инвестиция лойиҳаси бўйича умумий қиймати 632,8 миллион АҚШ долларига тенг шартномалар имзоланган. Ушбу лойиҳа ишга тушиши натижасида етти мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Чунончи, мазкур ҳудудда замонавий Фармацевтика техник университети кампуси замонавий ва юқори технологияга эга ўқув-маъмурий биноси Ўзбекистон ва Корея Республикаси раҳбарлари ташаббуси билан Кореянинг ЭДСФ кредит молиялаштириш кўмагида барпо этилмоқда. Ҳозирда университет жамоаси Кореянинг етакчи ЭДСФ экспертлари жумладан, нуфузли университетлар профессор ва мутахассислари билан дори воситаларини яратиш ва ишлаб чиқиш соҳасида таълим дастурлари, илмий-тадқиқот тузилмасини ишлаб чиқишда, шунингдек, университет биноси қурилишида яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Университетни 2024-2027 йилар давомида қуриш режалаштирилган бўлиб, у ишга тушса, тўрт мингдан зиёд талаба таҳсил олиш имконига эга бўлади. Ҳозирда “Tashkent Pharma Park” биносида университет ўқув фаолиятини бошлади ва 50 нафар талаба таҳсил олмоқда.

Университет ходимларнинг салоҳиятини ошириш мақсадида Сандерленд, Де Монтфорт, Данди университетлари (Буюк Британия), Пурдуэ университети (АҚШ), Кореянинг Анянг ва Кюнг Хи университетлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган.



Яна бир йирик лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг туманимизга ташрифларидан сўнг "Боғзор" маҳалласи ҳудудида юз гектар ер майдонида Ўзбек- Турк саноат кластерини ташкил этиш тўғрисидаги ПҚ-393-сонли қарор қабул қилинди.

Туркиянинг “Остим” компанияси билан 2024 йилда инвестиция битими имзоланиб, битимга кўра, инвестор 2024–2029 йилларда 150 миллион доллар инвестиция киритиши, саноат зонасига инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш ва ишга тушириш натижасида 13 мингта янги иш ўринларини яратиши белгиланган. Лойиҳа тўлиқ ишга тушгач кластер томонидан йиллик экспорт ҳажми ўттиз миллион долларни ташкил этиши белгиланган.

Туманимизда 2022 йилда 24,6 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан тўрт баробарга ошди.

Бундан ташқари жорий йилда лойиҳалар доирасида яна 120,0 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ўзлаштирилади.

Шунингдек, жорий йилнинг январь-август ойида инвестиция дастури доирасида тўқсон миллион доллар хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан икки баробар кўпайган.

Бугунги кунда туманда 471 та хорижий корхоналар ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Шулардан 128 таси 2024 йилда очилган бўлса, жорий йилда 137 та хорижий корхона очиш режалаштирилган ва йил якуни бўйича хорижий корхоналар сони 608 тага етказилади.

Шу билан биргаликда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилиши юзасидан "WB INT EXPORT" МЧЖ томонидан “Боғзор” маҳалласи ҳудудида 67 гектар ер майдонида умумий қиймати икки юз миллион доллар бўлган “Замонавий логистика маркази ва омборхона комплекси”ни барпо этиш юзасидан Россиянинг "ВАЙЛДБЕРРИЗ" ООО компанияси билан келишув имзолаш ишлари амалга оширилмоқда.

"MEGA ENERGY POWER TECH" МЧЖ томонидан “Боғзор” маҳалласи ҳудудида тўрт гектар ер майдонида умумий қиймати етмиш миллион доллар бўлган Электр энергияни сақлаш лойиҳасини амалга ошириш учун Хитойнинг “EAGLERISE DEVELOPMENT HK COMPANY LIMITED” компанияси билан келишув ишлари амалга оширилмоқда. Янги келишувлар натижасида саккиз мингга яқин иш ўринлари яратилади.

Туманда экспорт салоҳияти ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2022-2025 йилларда туманда фаолият олиб бораётган корхоналар томонидан жами 243,9 миллион долларлик экспорт амалга оширилди.

2022 йилда 54,4 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, йиллар давомида бу кўрсаткич кўпайиб борди. 2025 йилда янги экспортга жалб қилинган корхоналар ҳисобига жорий йилда 97,8 миллион доллар миқдорида саноат, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинади. Бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 43,4 миллион доллар ёки 179,5 фоизга кўпайган.

2025 йил январ-август ойларида 50,1 миллион долларлик экспорт амалга оширилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 114 фоизни ташкил этди.

Экспорт қилувчи корхоналар сони 2022 йилда 71 тани ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб 53 тага кўпайиб, жами корхоналар сони 124 та бўлди. Экспортёр корхоналар томонидан 2022 йилда 58 турдаги 225 хил маҳсулот экспортга чиқарилган бўлса, 2023-2025 йилларда қўшимча равишда 15 турдаги 42 хил маҳсулот турлари экспорти йўлга қўйилди. Туманнинг экспорт географияси 24 та давлатдан 35 тага кўпайиб, Озарбайжон, Германия, Грузия, Италия, АҚШ, Замбия ва Покистон каби давлатларга ҳам экспорт йўлга қўйилди.

Давлатимиз томонидан тадбиркорликка қаратилаётган катта эътибор туманимизда маҳаллий ва чет эллик инвесторлар иштирокидаги корхоналар сафининг янада кенгайиши, саноатга янги технологиялар кириб келиши, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасини рақамлаштириш, тадбиркорларнинг халқаро брендлар билан ҳамкорлик қилишига хизмат қилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида ҳудудий экспорт кўрсаткичлари кўтарилиб, ишсизлик қисқармоқда, маҳаллий бюджет тушуми ортмоқда.

Турғун БОЛИҚУЛОВ,
туман ҳокими
ўринбосари.

► *Умр китобидан саҳифа*

Ҳазрат Алишер Навоий мулозимлари билан отда келаётган эканлар. Йўлда тупроқ ўйнаётган болани кўришибди. Навоий бобомиз отдан тушиб, болага салом беради, кийимларидаги чангларини қоқиб, ҳурмат-иззат кўрсатади.

Йўлда давом этишганда мулозимлари боланинг кимлигини сўрашади:

– Бу бола менга таълим берган устозимнинг невараси, – дея жавоб беради ҳазрати Навоий.

Моҳир педагог



Устозлар ҳар бир замонда эъзозланганлар. Зеро, энг пири бадавлат одам ўқитувчи. У дунёдаги ҳар қандай гавҳардан ҳам қимматли бўлган инсон фарзандини вояга етказади. Ушбу ҳикоямиз жон дўстим, устоз педвгог Зиёвиддин Носиров ҳақида.

Йилларни қувиб йиллар ўтаверади. Шогирдлар устоз даражасига кўтарилишади, муаллимларидан миннатдор бўлишиб, дил сўзларини айтишади.

Инсон учун бундан ортиқ бахт борми?!

Биз қаламга олаётган Мансур ўғли Зиёвиддин етмишдан ўтиб, саксонинчи довон сари қадам қўйди. Бугун кимгадир ака, кимгадир бобо, кимгадир ука. Уни устоз дейдиганлар эса оз эмас. Зеро, улуғ ёшга етиб умргузаронлик қилишнинг ўзи катта бахт. Бу бахт замирида катта меҳнат ётибди. Зиёвиддиндек олижаноб ва чин дўстим борлигидан фахрланаман. Ўз соҳасининг фидоийси, камтар, саховатпеша инсонлардан. Касбларимиз бошқа– бошка бўлгани билан биз бир том тагида кўп йиллар ягона мақсад йўлида ишладик. “Вақт ўтувчан, бола ўсувчан”, дейди доно халқимиз.

Ўқитувчи ва мураббийлар байрам билан зиёкор дўстимни муборакбод этарканман унинг умр дафтарига бир назар ташлашни лозим кўрдим.

Зиёвиддин Тошкентнинг Эски чорсу даҳасида туғилган. Мактабни аъло баҳоларга битирди. Етуклик шаҳодатномасини олгач, ҳужжатларини Тошкент давлат унверситетининг математика куллиётига топширди.1973 йили ўқишни муваффақиятли тамомлагач, илк фаолиятини 13-мактабда бошлади. Танлаган касбига бўлган иштиёқ ёш педагогни янада фаол бўлишга ундади. Интилганга толе ёр деганларидек, бир неча йил 2 – мактабга директор бўлди. Қобилиятли зиёкорни яна бир имтиҳон кутиб турарди: туман Халқ маорифи бўлими мудири Мухтор Умаровнинг суҳбатидан муваффақиятли ўтгач, ғайрат билан ишга киришди. Айниқса, вилоят Халқ маорифи бўлимида ишлаган йиллари унинг ҳаёт саҳифасидан муносиб ўрин олди.

– Ҳаётда ҳар кимнинг меҳрибон ва талабчан мураббийси бўлсин экан, – дейди суҳбатдошим. –Бундай толе менга ҳам кулиб боқанидан хурсандман. Биринчи ўқитувчим Ҳусния опа қўлларимдан ушлаб синфга олиб киргани бир умр ёдимда қолган. Балки ўшанда жажжи қалбимда устозимдек ўқитувчи бўлишлик ёзилган бўлса не ажаб. Набираларимдан бирининг исмини биринчи ўқитувчим– Ҳусния опа номи билан атаганимдан бахтиёрман.

Киши қалбининг нури илм ва маърифат билан бақувват бўлади, дейишарди. Агар сен билан ёнма– ён меҳнат қилаётган ҳамкасбларинг комил инсон бўлишса, нур устига нур. Уларни тез– тез эслайсан, қўмсайсан, бу ёруғ дунёдан ўтганларни дуо қиласан. Булар инсонга берилган энг олий неъмат. Ҳар сафар Неъмат Ҳикматов, Олимжон Деҳқонбоев, Абдурашид Ғаниев, Тўлкин Эшонхўжаев, Облоқул Жўраев, Алишер Султонов каби гўзал фазилатли ҳамкасбларимнинг яхши сифатларини дилдан ўтказар эканман, кўнглим тоғдай кўтарилади.

Халқ маорифи аълочиси, меҳнат фахрийси, бу ҳаётнинг баланд-пастини кўрган Зиёвиддин Носировни суҳбатга тортамиз.

– Ҳаётингиздаги унутилмас кунни эслай оласизми?

– Инсон ҳаётида унутилмас кунлар кўп бўлади. Менинг дилимдан тилимга кўчаётган бу унутилмас воқеа – шак-шубҳасиз Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинган кун. Энг муҳими жаҳон айвонида ўз ўрнимиз бор, ҳеч кимдан кам эмасмиз.

– Қандай одамга ҳавас қиласиз?

– Бу ҳаётда сенинг ютуқларингдан кўнгли тўлган, ширин сўз, ҳиммати баланд, кўнгли очиқ, самимий инсонларни хушлайман.

– Қайси ишларини ёқтирмайсиз?

– Иккиюзламачилик, лаганбардорлик, калондимоғлик ва асоссиз туҳмат, бўхтон қилувчиларга инсоф берсин дейман.

– Феъл-атворингиз учун асабийлашган пайтларингиз бўлганми?

– Очиғини айтсам, бўлган. Сен оқни оқ десанг, оқни қора дейдиганлар ҳам топилади. Шунга иқрор бўлдимки, қора ниятлилар бу ҳаётнинг ўзида жазоларини олар эканлар.

– Таълим– тарбия соҳаси билан боғлик фикр– мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

– Ҳаёт бор экан, муаммолар ҳам бўлиши табиий. Лекин уларни илдиз отиб кетмасдан жиловлаш керак деб ўйлайман. Бугунги кунда кўпчиликни ташвишлантираётган бир нарса борки, ёшларимизни одоб чегарасидан чиқариб юборяпти. Бу – ёшу қарининг қўлидаги матоҳ – телефон. У ёшлар тарбиясини бузяпти. Бунда биринчи навбатда фарзандларининг кўнглига қараб иш тутаётган ота-оналар айбдор деб ҳисоблайман. Кўпроқ китоб ўқиган муродига етади. Ўқинг кўпроқ!

Яна бир жиддий масала. Оғриқли нуқталаримиздан яна бири саломлашиш одоблари. Афсуски, ота-оналар, мактаб, нуронийлар бу борада ўз сўзларини айтиш пайти келди.

Сўзларимни мухтасар қилар эканман энг яхши тилакларимни билдираман. Хонадонингиз соҳибаси моҳир педагог Мастурахон билан яна узоқ йиллар умргузанролик қилиб юринг. Суянган тоғларингиз: Манзурахон, Сирожиддин, Камолиддинларнинг бахту тахтларини кўринг. Ширидан-шакар набираларингизнинг келажаклари порлоқ бўлиб, яхши тўйларини биргаликда нишонлайлик.

Шу бахтга кўз тегмасин.

Муроджон БОТИРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Факт ва рақамлар



Туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими тасарруфида 40 та мактаб, 1та “Баркамол авлод мактаби”, 117 та мактабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлиб шундан, 31 та давлат, 23 та хусусий, 2 та давлат-хусусий шерикчилик асосидаги ҳамда 58 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолият юритиб келмоқда.

Туманда жами 1942 нафар педагог фаолият олиб боради. Шулардан 1725 нафари олий маълумотли, 196 нафари тугалланмаган олий, 21 нафари ўрта махсус маълумотли педагоглар. Педагогларнинг 193 нафари олий тоифали, 382 нафари биринчи тоифали 467 нафари иккинчи тоифали, 683 нафари мутахассис педагоглардир.

2025-2026 ўқув йилида тумандаги 40та мактабда жами 30438 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда.

► *Мактабгача таълим ташкилоти ҳаётидан*

МУХЛИСА – ИҚТИДОРЛИ ТАРБИЯЧИ



Тумандаги 4-сонли мактабгача таълим ташкилоти энг намунали боғчалардан биридир. Таълим ташкилотида бугунги кунда 26 нафар педагог 415 нафар ўғил-қизга таълим-тарбия бермоқда.

Таълим-тарбия илк қадам дастури асосида энг сўнгги технологиялардан фойдаланган ҳолда олиб борилади. Тарбия маскани да тарбиячиларнинг астойдил меҳнат қилишлари, болажонларнинг мириқиб дам олиб, ўқиб-ўрганишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Шунинг учун ҳам тарбиячилар ўз устларида ишлаб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Чунончи, тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Мухлиса Мамаджонова “Йил тарбиячиси – 2025” кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этиб, танловнинг туман, вилоят босқичларида 1-ўринни қўлга киритди ва республика босқичида “Инновацион ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши тарбиячи” номинацияси ғолиби бўлди.

ISTIQBOL
2025-yil 26-sentyabr / Juma / № 38-39 (6190-91)

ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ

Зангиота тумани бўлинмаси кенгаши

тумандаги барча таълим ходимларини

1 октябрь – *Ўқитувчи ва мураббийлар куни*

билан самимий қутлайди!

Шарафли ишларида куч-қувват, омад тилайди!



"УЛУҒБЕК – НИГОРА БАЙЗАКОВА" ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ

Битта ҳарфдан то осмон илмига қадар билимни мурғак қалбларга сингдириб келаётган азиз устоз-мураббийларга таъзимдамиз!

Байрамингиз муборак бўлсин!



Демак, йўлдаги хавф-хатар деб аталган қашқирлар халқни еб битирмаслиги учун шоир тинимсиз тер тўкиб меҳнат қилмоғи – яхши шеърлар ёзмоғи шарт. Бу дегани шуки, нафақат шоир, балки барча касб эгалари ўз ишини худди шундай бекаму кўст адо этмоғи керак, токи она Ватан бор ва тинч бўлсин! Бас, шундай экан, қоронғида қирда бир ўзи уйи томон шошиб кетаётган муаллима, айни дамда, она Ватан образидир.

Уни қашқирларга ем қилсак, билингки, дарс қилиб дафтар топширмаган ўқувчилардан бири биз бўламиз. Шеър, аслида, шу ҳақда урилиб гумбурлаган бонгдир. Шеърда-ку курашни қашқирга бой бердик, ҳаётда бой бермайлик. Бой бердикми, мағлубият аламу изтиробини шеърга солгувчи шоир ҳам топилмайди... Демак, шоир М.Абдулҳаким бир шеър мисолида ана шундай аянч қисматдан халқни – ҳар биримизни олдиндан огоҳ этмоқда, қашқирларга ем бўлмаслик учун ўқиб, дарс қил, демоқда...

12

ҚАШҚИРГА ЕМ БЎЛГАН МУАЛЛИМ

ёхуд “Устозга эҳтиром” ҳайкали ҳақида ҳикоя

Чўнтак китоби



1

Улуғбек ҲАМДАМ,
ёзувчи:

Матназар Абдулҳакимнинг “Дарсдан сўнг” деган шеъри қаҳрамонларига – дафтар қучоқлаган муаллима ва сумка кўтарган ўқувчига атаб юртимизда “Муаллимга мангу эҳтиром” номи остида ҳайкал ўрнатилган. Қайд этиш лозимки, наинки Ўзбекистонда, балки бутун дунёда ҳам бадиий асар қаҳрмонларига бундай эҳтиром камдан кам кўрсатиладиган ҳодиса.

10

Шеърнинг қисқача мазмуни қуйдагича:

Воқеа олис қишлоқларнинг бирида юз берган. Битта муаллима узоқ қир ошиб, мактабга қатнаб, болаларга дарс ўтар эди. Бир куни у ўқувчиларга иншо ёздиради. Бутун синфдан 7 нафар ўқувчи иншо ёзмай қолади. Муаллима эртага албатта ёзиб келинг, бугун сизлардан хафаман, деб койийди. Қолган ўқувчиларнинг дафтарларини йиғиб олиб уйига қайтмоқчи бўлади. Қараса, кун кеч бўлиб қолибди. Ҳар куни келиб олиб кетадиган турмуш ўртоғи эса бугун келмаган. Ҳамкасблари: “Бугунча бизникида қолинг, кун кеч бўлиб кетди”, – деб қистаса ҳам у йўлга чиқади. Йўлда кетаётиб турли ўйлар келади: нимага эри келмади экан-а? Кўнгли совидими экан, деб ваҳимага тушади. Ёки ўғлим хасталаниб қолдимикан? Ундан баттар юрагини ваҳима босади.

Нима бўлса ҳам уйга тезроқ етай деб, ўнқирми, чўнқирми, ўрми, қирми, қарамасдан шошилиб кетар эди. Бирпасда изига бир қора эргашиб келаётгандай туюлади. Не кўз билан кўрсин-ки, изига оч қашқир тушган экан. Эсига қашқирнинг оловдан қўрқиши келади ва қўлтиқлаб келаётган дафтарларни ёқа бошлайди. Дафтарни ёққанда қашқир ҳам тўхтайди. Ўзи ҳам юрагини босиб олади.

3

Йўл узоқ, тун қаро, қашқир эса оч,
Оч йиртқич биларми надир садоқат.
Уйга яқин қолган вақтда тугади
Муаллимда дафтар, қашқирда – тоқат.

Уввос фиғон тутди қишлоқни тонгда,
Замин аза очди, замон йиғлади.
Дафтар топширмаган етти ўқувчи
Ҳаммадан ҳам ёмон йиғлади.

Нўноқ назмим учун афв эт, халқим,
На олим, на фозил, на сўз пириман.
Ўз вақтида дафтар топшира олмай
Қолган болаларнинг бириман.

8

Дарсдан сўнг

Кимнидир койиди чеккани учун.
Тортиб олиб қўйди гугуртини ҳам.
Машқ дафтарларини йиғди-да, сўнгра
Бир-бир санаб кўрди: етти дафтар кам.

«Ҳар гал шундай аҳвол. Уялмайсизми?
Келасиз ўқишмас, қилиш учун сайр.
Бу сафар ҳам икки қўймай тураман,
Эртага қолганлар топширсинлар. Хайр».

5

Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани марказида “Устозга эҳтиром” ҳайкали бор. Ҳар йили 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан кенг омма ушбу ёдгорликка ташриф буюриб, пойига гуллар қўяди. Муаллима ҳурматига ўрнатилган ушбу эсдалик бутун Ўзбекистонда ягона бўлиб, унинг яратилиш тарихи бор.

2001 йилда “Бўстон”да марҳум хонанда Отажон Худойшукуровнинг ижодига бағишланган катта тадбир ўтказилади. Унга Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матчон, Усмон Азим, Муҳаммад Юсуф, Матназар Абдулҳаким, Ошиқ Эркин каби ижодкорлар ташриф буюради. Шоирлар кетма-кет гўзал шеърлари билан йиғилганларни хушнуд қиларди. Шеър ўқиш навбати хоразмлик шоир Матназар Абдулҳакимга етиб келади.

Шоир минбарга чиқиб бироз ўйланиб туради-да, биринчи ўқитувчимга бағишланган шеъримни айтиб бермоқчиман, дейди.

У “Дарсдан сўнг” номли шеърини ўқиган пайтида залда йиғламаган киши қолмайди. Шеър таъсиридан ҳамманинг юраклари ларзага келган эди.

2

Шеърнинг аввалида асар қаҳрамонини муаллима ўлароқ танидик. Кейин бошида эри борлигини билиб олдик. Демак, у хотин, ёр. Дугонасидан сўз очилди, айни дамда у ўртоқ ҳам. Мана энди боладан хабар берилмоқда. Кўринадики, у она ҳамдир. Бўлиб ҳам ўзбек онаси, шарқлик она. Бас, шу гапда ҳаммаси айтилди: бундай онанинг йўли зим-зиё бўлиб, хатарга тўлса ҳам болам дейди, уйига шошади. Бироқ...

Инсон ҳаётининг омон қолиши учун қўлдаги ресурс тугаб битди. Бунинг сабаби– дангасаликка берилиб дарс қилмаслик, дафтар топширмаслик. Натижада жаҳолат қурбони муаллима бўлди. Савол туғилади: муаллима ким?.. Жамиятнинг ўқимишли қатлами мансуби, зиёли. Хўш, у нега қурбон бўлди?.. Жоҳил туфайли, унинг жаҳолати туфайли. Дафтар топширмаслик шеърда жаҳолатнинг рамзи бўлиб келяпти.

11

Овулга етай деб қолганда муаллимда дафтар тугайди, қашқирда эса тоқат...

Агар шу куни 7 нафар ўқитувчи иншони ёзиб топширганда эди, муаллим омон қолармиди?

Эртасига муаллимнинг жанозасида бутун халқ йиғлайди, ҳаммадан баттар етти нафар ўқувчи, жумладан улардан бири шеърдаги лирик қаҳрамон ҳам ўксиб йиғлайди.

Тадбирда ўқилган ушбу шеърдан шу пайтдаги туман ҳокими Неъматулла Худайбергенов ҳам жуда таъсирланади ва муаллимага ҳайкал ўрнатиш ғоясини илгари суради.

Шундай қилиб, 2003 йилда “Устозга эҳтиром” ҳайкали бунёд этилган.

Есимхон ҚАНОАТОВ,
ЎзА

4

Мен яхши биламан, тумор қилмайди
Ёзган шеърларимни ошиқлар.
Мен яхши биламан, қўшиқларим жўн,
Биламан, булар бир оддий машқлар.

Лекин… кетмакдасан келажак сари
Тап тортмай қисматнинг дашт, қирларидан.
Ўзимча асрагим келади сени
Ёвузлик, хиёнат қашқирларидан.

Мен машқ бажараман, ёзаман ҳар кун
Дараклар, сўроқлар, хитобларимни.
...Сен йўл бўйи ёқиб ташлаб кетавер
Қашқирлар қўрққувчи китобларимни...

Матназар АБДУЛҲАКИМ

9

Қиш куни – бир тутам. Қорайганди қош.
Иккиланди. Ўтмак керак ахир қирдан.
Эри ҳам келмади олиб кетишга
«Кўнгли совидими…» – ваҳм этди бирдан.

Ҳамкасб дугонаси қистовга тутиб,
«Тунаб кетинг, – деди. – Кеч бўлиб қолди»
Кўнмади. Қўлтиқлаб машқ дафтарларни
Уйга ёлғиз ўзи яёв йўл олди.

Овул тугаб, энди қирга чиққанда
Оқшом қуюқ эди, атроф сим-сиёҳ.
Йўлдан қайтмоқчи ҳам бўлди бир ўйи.
«Ўғлим хасталаниб қолдимикан ё…»

6

Юрагини баттар ваҳима босди,
Қамради тундан ҳам баттар бир қўрқув.
Ўнқирми, чўнқирми, ўрми, қир демай
Яна кетаверди, кетаверди у.

Мудҳиш бир шарпани илғади ногоҳ,
Разм солса қашқир. Қиларди таъқиб,
Эслади йиртқичнинг қўрқишин ўтдан,
Изига бир дафтар ташлади ёқиб.

Қашқир тўхтаб қолди. Сўнг – яна, яна,
Муаллима омон топган бу олов
Йиртқичга берарди иложсиз сабр.
Йўловчи – ёқарди, қашқир – тўхтарди,
Тин оларди икков ҳар дафтарда бир.

7

ISTIQBOL
2025-yil 26-sentyabr / Juma / № 38-39 (6190-91)

Устоз ҳар бир шогирдига мўъжизалар мамлакатига олиб кирувчи эшик калитини тақдим этаётган сеҳргарга ўхшайди.

Зиё улашаётган устозларимиз омон бўлишсин!



ЎЗБЕКИСТОН АГРОСАНОАТ МАЖМУИ

ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ЗАНГИОТА ТУМАНИ КЕНГАШИ



"БЕК БАРАКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН САВДО КОМПЛЕКСИ"

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

юртимиздаги барча

Ўқитувчи ва мураббийларни касб байрамлари билан қутлайди!





Таълим фидоийларига соғлик, хонадонларига тинчлик, ишларига барака тилайди!

► *Касаба уюшмаси*

ТАЪЛИМ ХОДИМЛАРИ ҲАМИША ЭЪТИБОРИМИЗДА

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Зангиота тумани бўлинмаси кенгаши томонидан 2025 йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида бир қанча ишлар амалга оширилди.

Жумладан, “Бир мурожаат – натижа” тамойили асосида ходимлар мурожаатларини ўрганиш ва тезкор кўриб чиқиш белгиланган бўлиб, жорий йилнинг тўққиз ойи давомида фуқароларнинг 62 та ёзма ва 18 та оғзаки мурожаатлари кўриб чиқилди. 52 та мурожаат қаноатлантирилди, 10 та мурожаат бўйича ҳуқуқий тушунчалар берилди ва икки нафар ходимнинг иш жойида қолишига эришилди.

Таълим муассасаларида ишлаб келаётган 30 нафар ходимга юбилей ёши муносабати билан совғалар берилди.88 нафар ходим берилган йўлланмалар бўйича сиҳатгоҳларда соғлиқларини тикладилар.

Икки босқичда ўтказилган спортнинг мини футбол(эркаклар), волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка(аёллар ва эркаклар ўртасида) мусобақаларида иштирок этган, ғолибликни қўлга киритган педагоглар рағбатлантирилди. Бундан ташқари 120 нафар ходимларнинг Тошкент шаҳрининг янгиланган тарихий қадамжолари, Зангиота зиёратгоҳи ҳамда Жиззах вилоятининг Зомин тоғларига саёҳатлари ташкил қилинди.

Бу ишлар давом эттирилмоқда.

Гавҳар МЎМИНОВА,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Зангиота тумани бўлинмаси кенгаши раиси.

► *Шогирд устози ҳақида*

Устоз – отадек улуғ дейишади. Аввалари бу гапнинг мағзини чақолмасдим. Лекин йиллар ўтиб тушуниб етдимки, устоз бизга ҳаётда ким бўлишимиз кераклигини англата олган инсон экан. Устозим доим: "Дунёнинг қаерида бўлманг, қандай касб вакили бўлманг, инсонийликни унутманг. Инсонлик фитратига хиёнат қилманг", – деб насиҳат қиладилар.

ҲАЁТ ИЛМИН ЎРГАТАЁТГАН УСТОЗ



Малакали педагог, севимли устоз Ойгул Болтаева 42- умумий ўрта таълим мактабида она тили ва адабиёт фанидан дарс бериб келмоқдалар.Салкам йигирма йиллик тажрибага эга Ойгул опанинг ажойиб фазилатлари бор: ўқувчиларни яхши ёки ёмон ўқийдиганларга ажратмайдилар, адабиёт – одобни, ҳаётни ўргатадиган фан, ҳаётда ҳеч ким ёмон бўлиши керак эмас, дейдилар ва бу ўқувчиларни янада ўз устида ишлашига далда бўлади. Шогирдлари фан олимпиадаларида қатнашиб муносиб ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Олий ўқув юртларига кирмоқчи бўлган ўқувчиларга алоҳида йўл-йўриқ кўрсатадилар, келажакда ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашадилар.

Ойгул Болтаева ижодкор ўқитувчи. Ижод намуналари Қоракўл туманидаги "Қоракўл садоси" газетасида ҳамда "Бухоро ёш мадад" тўпламларида чоп этилган.

Ижодкор нафис, кўз илғамас туйғуларни ҳам англайди, ҳам жуда яхши ҳис этади, дейишлари бежиз эмас. Устознинг дарсларида ижодий кайфият сезилиб туради. Бу эса ўқувчилар қалбидаги адабиётга бўлган меҳрнинг ошишига жуда яхши таъсир кўрсатади. Ҳаётда шундай инсонларни учратамизки, уларни доим ҳар бир ишда ўрнак қилгимиз келади. Ойгул Болтаева ҳам айнан шундай инсонлардан.

Ҳаётимиз давомида устозларимиз кўп бўлади. Албатта ҳар биридан нимадир ўрганамиз. Лекин қалбимизда "Устоз" деган шарафли ном билан қолганлари саноқлидир.

Танаффуснинг қўнғироқлари,
Қулоғимда жаранглар ҳамон.
Қалбимдасиз, азиз муаллим,
Юрагимда ёдингиз омон.

Азиз устоз, жонажон мактаб,
Ёруғ қилган йўлларимизни.

“Аввало сен инсон бўлгин”, – деб,
Ўнг айлаган сўлларимизни.

Нимагадир эришсам агар,
Сизникидир барча ғалаба.
Дегандингиз:“Мендан ўзиб кет,
Сенга битта устоз талаби.”

Умида АБДУҲАКИМОВА.

► *Сайёр қабул*



ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛДИ

Тошкент вилояти прокуратураси Ёқилғи-энергетика соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи Нодиржон Абдуллаев бошчилигида “Амир Темур" маҳалласида сайёр қабул ўтказилди.

Дастлаб тузилган ишчи гуруҳ билан биргаликда маҳалланинг ижтимоий, иқтисодий ва инфратузилма муаммолари ўрганилди, таълим масканларининг куз-қишга тайёргарлик ҳолати кўздан кечирилди, камбағалликдан чиқариш ҳамда жиноятчиликни жиловлаш аҳволи ўрганилди.

“Маҳаллада хавфсиз муҳитни яратиш” борасидаги ПҚ-1-сон қарори ҳамда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури бўйича ВМнинг 330-сонли қарори юзасидан аҳолига ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Шундан сўнг берилган эълон бўйича сайёр қабул ўтказилди. Аҳолининг ўндан ортиқ мурожаатлари тингланди. Саволларига батафсил жавоблар берилди. Айрим масалаларга жойида ечим топилди, муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш учун ижрога йўналтирилди.

Туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати

► *Тарғибот*

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ – КАТТА ДАВО



Туман Тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги болалар бўлимида 11 нафар шифокор, 17 нафар ҳамшира, 13 нафар кичик тиббий ходим бемор болажонларнинг соғайиб кетишлари учун туну кун хизматдалар. Бўлимда 40 та ўрин мавжуд бўлиб, бугунги кунда шунча бемор болажонларга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Жорий йилнинг бошидан эса икки мингга яқин болалар масканимизда шифо топиб кетдилар. Бўлимда тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар мавжуд, Керакли барча тиббий жиҳозлар, дори воситалари билан таъминланган.

Бўлимда болаларни даволаш билан биргаликда уларнинг оналари учун тез-тез “Тоза қўллар”, “Соғлом овқатланишнинг фойдалари”, “Соғ танда – соғлом ақл” каби мавзуларда суҳбатлар ўтказилади. Куни кеча ўтказилган ана шундай суҳбатлардан бири соғлом овқатланишга бағишланди. Оналарга соғлом овқатланиш деганда нималар тушунилади, фарзандининг соғлом вояга етиши учун уларни қандай озиқлантириши кераклиги тушунтирилди, қайси маҳсулотлар фойдали, қайсилари организм учун зарарли эканлиги амалда кўрсатилди. Оналарнинг фикрлари тингланди, уларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилди.

Хайрихон
СОЛИХОДЖАЕВА,
туман Тиббиёт бирлашмаси болалар бўлими катта ҳамшираси.

БЎЛАЖАК СУДЬЯНИ СУДЬЯ ЎҚИТАДИ

Судьялик касби қанчалик шарафли эканлиги билан бир қаторда ўта масъулиятли эканлиги, бу йўлда тинимсиз изланиш, чуқур билим олишга кўп куч сарфлаш лозимлиги сир эмас.

Судьянинг профессионал фаолияти нафақат бир инсоннинг, балки бутун жамиятнинг, ҳаттоки бутун бир давлатнинг яшаш тарзига таъсир ўтказади.

Судья ва унинг шахсига нисбатан қонун ҳужжатлари билан юқори талаблар қўйилиши ҳам бежизга эмас.

► *Судлардаги ислоҳот*



Шу нуқтаи назардан ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда судьялик лавозимига тайинлаш ва судьяларнинг малакасини ошириш тизимида ҳам бир қатор самарали ислоҳотлар амалга оширилди.

Хусусан, судьяларни танлаш ва тайинлаш босқичларида уларни психологик тестлардан ўтказиш, суд ҳужжатларини тузишда судьяларнинг ёзма кўникмаларини ривожлантириш ҳамда судьяларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш бўйича кўникмаларини мустаҳкамлаш каби халқаро миқёсда судьялар, судьялик лавозимига номзодлар ва суд ходимларини тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш борасида қўлланилиб келинаётган тенденциялар Ўзбекистонда ҳам жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 21 августдаги ПФ-141-сонли Фармони бу соҳадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Фармонда суд тизими учун ҳар томонлама етук, замонавий билим ва зарур касбий кўникмаларга эга юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судья ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш, таълим олувчиларда судьялик касбий маданиятини шакллантиришга қаратилган дастурларни жорий этиш, бўлажак судьяларда мустақил, холис, беғараз, фақат қонунга таянган ҳолда ва адолат билан иш юритишнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган интерфаол ўқитиш услубларини таълим жараёнига татбиқ этиш, судьялик лавозимларига номзодлар, судья ва суд аппарати ходимларида замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект имкониятларидан амалиётда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёни сифатини оширишга қаратилган идораларо тажриба алмашиш, шунингдек, суд тизими учун ҳуқуқшунос кадрлар тайёрловчи, шу жумладан, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш ва судьялар малакасини оширишга ихтисослашган хорижий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш кабилар суд-ҳуқуқ соҳасида малакали кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини жорий этишдаги устувор мақсадлар этиб белгиланди.

Шунингдек, Фармонда Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби негизида Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясини ташкил этиш, унда таълим жараёни устоз-шогирд анъанаси асосида “бўлажак судьяни судья ўқитади” тамойилига мувофиқ ташкил этилишининг белгиланганлиги судьялик лавозимига ҳар томонлама муносиб ва лаёқатли шахсларни танлаш, тайёрлаш жараёнини янада такомиллаштириб, уни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга, назария ҳамда амалиётнинг уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, Фармонда 2025 йил 1 октябрдан бошлаб судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш Академиянинг олти ойлик касбий қайта тайёрлаш курсларида давлат гранти асосида суд ихтисосликлари бўйича ташкил этиш тартибини йўлга қўйиш, касбий қайта тайёрлаш курслари қонунчиликни қўллаш кўникмасининг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаган ҳолда “назария – амалиёт-имитация” тамойили асосида дуал таълим шаклида ташкил этилиши, касбий қайта тайёрлаш курслари тингловчиларининг амалий кўникмасини шакллантириш мақсадида амалий машғулотлар деонтологик услубда ўтказилиши, бунда тингловчиларнинг тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура, суд-экспертиза ва бошқа давлат органлари ва муассасалари фаолиятида бевосита иштирок этиши таъминланиши, касбий қайта тайёрлаш курсларида суд мажлисларини реал вақт режимида кузатиш ва судьянинг процессуал ҳаракатларини таҳлил қилиш имконини берувчи “виртуал суд” машғулотлари жорий этилиши, шунингдек, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича ўқув дарслари ташкил этилиши кабилар белгиландики, ушбу вазифаларни амалга ошириш билан суд органлари фаолиятини бугунги замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга эришилади.

С.СОЛИЕВ,
Зангиота туманлараро иқтисодий судининг раиси.

► *Ҳуқуқ тизимида*

Ҳукумат қарори (484-сон, 31.07.2025-й.) билан “Камбағал оилалар реестрига киритилган расмий банд бўлган ёлғиз ота ва оналарга фарзанди учун мактабгача таълим хизматидан фойдаланиш учун моддий ёрдам тўлаш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди.

Қарорга кўра, моддий ёрдам камбағал оилалар реестрига киритилган ва расмий банд бўлган ёлғиз она (ота) га ижтимоий шартнома асосида тўланади.

Бунда уларнинг мактабгача таълим ташкилотида тарбияланаётган 3 ёшгача бўлган фарзанд(лар)ига БҲМнинг 1,5 бараваригача миқдорда тўлаб берилади.

Моддий ёрдам қонуний вакилнинг 3 ёшгача бўлган фақат бир нафар фарзанди (болалар эгизак бўлса, эгизакларнинг ҳар бирига) учун берилади.

Моддий ёрдам олиш учун қонуний вакил “Инсон” марказлари, Давлат хизматлари марказларига бевосита келган ҳолда ёки ижтимоий ходим ёхуд “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими (“ЙМИҲ” АТ), шунингдек, ЙИДХП (my.gov.uz) орқали ариза билан мурожаат қилади.

Аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

▪ қонуний вакилнинг фуқаролик биометрик паспорти маълумотлари;

▪ 3 ёшгача бўлган фарзанд(лар)ининг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси(лари) маълумотлари;

▪ мобиль телефони рақами;

▪ АТ “Халқ банки” да очилган банк картаси маълумотлари.

Моддий ёрдам ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-санасигача қонуний вакилларнинг “ижтимоий карта”ларига, улар мавжуд бўлмаганда, АТ “Халқ банки”да очилган банк карталарига ўтказиб берилади.

С.МАРИФОВ,
туман адлия бўлими ЙХКМ бош юрисконсульти

ЯИДХПдаги шахсга доир маълумотлар уларнинг қоғоз шаклига тенглаштирилади

Фармонга кўра, 2025 йил 1 ноябрдан Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (Ягона портал) жисмоний шахсларнинг белгиланган шахсга доир маълумотлари уларнинг шахсий кабинети орқали реал вақт режимида тақдим этилади. Бунда:

▪ жисмоний шахснинг Ягона порталдаги шахсга доир маълумотлари уларнинг қоғоз шаклига тенглаштирилади;

▪ ушбу маълумотлар Ягона порталнинг мобил иловасидан фойдаланган ҳолда кўрсатилганда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мазкур маълумотларнинг қоғоз шаклини талаб қилиш тақиқланади.

Шунингдек, 2025 йил 1 ноябрдан:

давлат хизматлари марказларига келиб мурожаат қилинганда пенсионер, ҳомиладор аёллар ва 3 ёшга тўлмаган боласи билан келган фуқарога давлат хизматларидан навбатсиз фойдаланиш бўйича имтиёз берилади;

жисмоний шахсларни ягона идентификация тизимидан (OneID) рўйхатдан ўтказишда муқобил тарзда шахсни биометрик идентификация қилиш (Face ID) тартиби йўлга қўйилади;

давлат хизматлари марказларига Ягона портал орқали жорий этилган барча давлат хизматлари бўйича аҳоли ва тадбиркорларга хизмат кўрсатиш ҳуқуқи берилади.

Дилором АҲМЕДОВА,
Зангиота тумани давлат хизматлари маркази бош мутахассиси.

► *Огоҳлик*

ИС ГАЗИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Ёнилғи маҳсулотлари ичида бошқаларга нисбатан хавфлироқ бўлгани бу – табиий газ. Табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги, газ оқимининг бехосдан узилиб қолиши, хонада газ тўпланиши, газни ёқиб, қаровсиз қолдириш,газни иситиш тизимларига улашда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида портлаш, ёнғин ҳамда ис газидан заҳарланиш ҳолатлари билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар содир бўлиши мумкин.



Аҳоли томонидан қўлбола ностандарт газ жиҳозларидан фойдаланиш, газ тармоқларига резина шиланглар орқали улаш, носоз дудбуронлар, хонани иситиш мақсадида очиқ оловдан фойдаланиш фуқароларнинг ис газидан заҳарланишига ҳамда ҳаво ва газ аралашмасининг чақнаши натижасида жабрланишга сабаб бўлмоқда.

Аҳолининг хавфсизлик қоида талабларини билмаслиги ёки уларга бепарволик билан қараши аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли мутахассислар тавсияларига амал қилишлари, ўз ҳаётларини хавф остига қўймасликларини сўраб қоламиз.

Х.ҲОШИМОВ,
ЎзРес ПА“Архив” ва “Халқ қабулхонаси” биносида ЁХТТБО бўлинмаси кичик инспектори.

ISTIQBOL
2025-yil 26-sentyabr / Juma / № 38-39 (6190-91)

“Farovon maksimum” korxonasi



tumandagi barcha ўқитувчи va muraббийларни kasb bayramlari bilan samimiy muboraкbod etadi!

Маърифат маёғини ҳалиша баланд кўтариб юрувчи устозлар бор бўлсин!



ISTIQBOL
Muassis: Zangiota tumani hokimligi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi
Dilbar SHARIPOVA

Tahririyat manzili: Eshonguzar qo‘rg‘oni, tuman hokimligi binosi.
Telefon: 70-97-53-286.

Gazeta haftaning juma kuni chiqadi.
Hajmi 2 taboq, qog‘oz bichimi A3.
Ofset usulida bosildi. Bahosi erkin narxda.

Bosishga topshirish vaqti: 12.00
Bosishga topshirildi: 12.00
1 2 3 4 5 6

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Navbatchi: Umida ABDUHAKIMOVA

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2012 yil 24 iyulda 03-015 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Nashr indeksi: 64895

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Toshkent shahri, “Buyuk Turon” ko‘chasi, 41. Adadi – 2850. Buyurtma № G-914.

ISSN 2181-61820